

(Навоий тугилгонига 500 йил тўлиши муносабати билан)

Навоийни танимагон бир ўзбек бўлмаса керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз газаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсияти билан танишдирлар.

Навоий 844 хижрийда тугилиб, 906 да дунёдан ўткан буюк турк адибидир. Унинг ўттиздан ортик асарлари бор. Машхурлари: Тўрт девони—газаллари, беш маснавийси, «Мухокамат ул-лугатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Лисон ут-тайр», «Тарихи аҷам», «Мезон ул-авзон», «Адвори мусика», «Махбуб ул-кулуб», «Ақоиди манзума», «Рисолаи муаммо», «Вакфия», «Муншаот», «Хамсат ул-мутахаййирин», «Насойим ул-мухаббат»дир.

Навоий турк тилини тиргизган ва чигатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғига сабаб бўлгон бир кишидир. Шунинг учун уни танимок, уни тақдир этмок бутун турклар учун бир вазифадир. Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида — Туркияда, Озарбойжонда ва бизда (Ўзбекистонда) уни эслаб йиллик тўйини ўтказмак истайдирлар.

Балки 1926 йил феврал ойининг бошида бўладургон «Туркистон курултойи» турк дунёсининг буюк шоири ва тил мутахассиси Навоийнинг 500 йиллигига тўғри келиб колгонидан Бакуда катта бир тантана берилса керак. Турк олимларидан Кўпрулузода Фуод ва Чўбонзода ўртоқлар бу тўғрида фикрларини ёзиб ўтдилар. Ўзбекистонда ҳам бу юбилей феврал сўнгларида, март бошларида ўтказилса керак; бунинг учун катта ҳозирлик қўрилмоқдадир. Бошлаб, унинг тўрт асари айнича босиладир, мукамал таржимаи ҳоли ва унга бағишлаб бир мажмуа чиқариладир. Шу ишларнинг ҳозирликларини қўрмак учун маориф комиссари ўртоқ Ризоев раислиги билан бир комиссия тузилган ва ўттиз минг сўмлик бир исмета топширилгондир.

Агар марказ ижрокўми ва комиссарлар шўроси бу пулни тахсис қилсалар, комиссиянинг плани тезда амалга оша оладир.

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиллиги муносабати билан ёзилган ушбу «Навоий учун» деган мақола «Ер юзи» журналининг 1925 йил 3-сонига босилиб чиққан.